



Научно-практический электронный журнал


МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998



9 772658 799001 >

Выпуск №76 (том 1)
(сентябрь, 2025)



Международный научно-практический
электронный журнал «МОЯ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: mpcareer.ru

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №76 (том 1) (сентябрь, 2025).

Дата выхода в свет: 30.09.2025.

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ Олтаев Ш.С.	87
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ Олтаев Ш.С.	102
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	118
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНСОН КАПИТАЛИГА ҚИЛИНГАН ХАРАЖАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРИЯТИ Олтаев Ш.С.	132
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ УНУМЛИ БАНДЛИГИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ Олтаев Ш.С.	146
ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ ПРЕСТУПНОСТИ: ЕЕ ВИДЫ И ТИПЫ Курдов О.Б., Борджакова А.Х.	164
СВОЙСТВА ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ПОЛИМЕРОВ Мурадова А.Ё., Мурадова О.Ё., Ягмурова С.А.	172
FRACTURES OF THE HAND AND FINGERS AND THEIR TREATMENT Odilov I.A.	176
РОЛЬ ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК В 21 ВЕКЕ	
РОЛЬ ДИСЦИПЛИНЫ «ФИЗИКА» В XXI ВЕКЕ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВОЕННОМ ВУЗЕ Жидкова Е.Ю.	180
ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ И НАУКЕ	
БИБЛИО-ПЛОЩАДКИ КАК СПОСОБ ПОПУЛЯРИЗАЦИИ БУККРОССИНГА: МЕДИЙНАЯ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ Артюховская Е.А.	184
АКТУАЛЬНОСТЬ SMM-ТЕХНОЛОГИЙ В СОВРЕМЕННЫХ СРЕДСТВАХ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ ОБ ИСКУССТВЕ Корень Е.Ю.	189
ЛИТЕРАТУРНАЯ КРИТИКА В ФОРМАТАХ БУКТЬЮБА И БУКТОКА Русак У.И.	194
АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПСИХОЛОГИИ И ПЕДАГОГИКИ	
ЦИФРОВАЯ ПАМЯТЬ КАК ФАКТОР ФОРМИРОВАНИЯ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ ОБ ОБЩЕМ ПРОШЛОМ И ПОНИМАНИЯ НАСТОЯЩЕГО Филоненко Л.В., Сухоручко Д.В.	202
ЗНАЧИМОСТЬ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ В ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ МОЛОДЕЖИ И ВОЕННОСЛУЖАЩИХ Филоненко Л.В., Жданов В.А., Коршунов И.Ф.	211
ВОЗМОЖНОСТИ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ, ОБЕСПЕЧИВАЮЩИЕ УСПЕШНОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ Филоненко Л.В., Осипов Н.В., Белошицкий И.А.	218



Олтаев Ш.С.

СамИСИ доценти, и.ф.н.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ УНУМЛИ БАНДЛИГИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида ёшларни унумли бандлигининг концептуал асослари тадқиқ қилинган. Шунингдек мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида ёшларнинг рақамли кўникмаларини ривожлантириш орқали ёшлар унумли бандлигини таъминлаш, ёшларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига зарурий шарт-шароитлар яратиш ижтимоий давлатчиликни барпо этишнинг устувор вазифаларидан бири эканлиги келтирилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада рақамлаштириш шароитида ёшлар унумли бандлигини таъминлаш, ёшлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратишнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли кўникмалар, ёшлар, бандлик, унумли бандлик, ишсизлик, иқтисодий фаол аҳоли, муносиб меҳнат, ижтимоий ҳимоя, инновация.

Кириш. Бизга маълумки глобаллашув шароитида “муносиб меҳнат” концепциясини амалга ошириш жамиятнинг глобаллашув талабларига муносиб жавоб бериш йўлидаги муҳим интилишларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, замонавий Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналиши инновацион ривожланишга йўналтирилганлигида намоён бўлади, бундай тараққиёт йўналиши интеллектуал ресурслардан самарали фойдаланиш, муносиб меҳнат шарт-шароитларини яратишни кўзда тутаяди. Инновацион иқтисодий ривожланишнинг кенг кўламли вазифаларини ҳал қилиш меҳнат ресурсларини тўлдириш ва янгилашнинг асосий манбаи, инновацион ғоялар ва



касбий билимларнинг ташувчиси ва яратувчиси бўлган ёшларнинг меҳнат ва интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутди.

Меҳнатнинг интеллектуаллашуви шароитида меҳнат бозорида янги касбий сегмент-интеллектуал меҳнат ходимлари ажралиб чиқди. Мазкур ходимлар маълумотларни қайта ишлаш, билим асосида ишларни ташкил қилиш, интеллектуал қобилиятлардан фойдаланиш, меҳнат бозорида креативликка асосланган ўзига хос маҳсулотни таклиф қилиш билан ажралиб турадилар. Шу жиҳатдан олганда, “Ўзбекистон-2030” стратегиясида барча йўналишларда инновацион фаолиятни кенг жорий этиш, илмий тадқиқотларни ва инновацион ташаббусларни кўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги эътиборга лойиқ [1].

Кўпчилик тадқиқотчилар муносиб меҳнат концепциясини шунчаки меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоянинг зарурий даражасининг таъминланганлиги сифатида тушунтирадилар. Бу ҳолат муносиб меҳнат концепциясини етарлича тушуниб етмаганликнинг белгиси ҳисобланади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, рақамли иқтисодиёт шароитида ёшлар бандлигини таъминлаш, ёшлар бандлиги борасида муносиб меҳнат концепциясини амалга ошириш масалалари илмий ҳамжамият томонидан етарлича ўрганилмаган, бу ўз навбатида мазкур тадқиқот иши доирасида танланган мавзунинг етарлича долзарб эканлигини кўрсатади.

Мазкур мақола доирасида ёшларни иш билан унумли таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муносиб меҳнат тамойилларини аниқлаштириш ва уларни амалга ошириш жараёнининг мазмунини очиқ бериш; ёшларни иш билан таъминлаш соҳасида муносиб меҳнат тамойилларини амалга оширишни рағбатлантирувчи ва чекловчи омилларни аниқлаш; меҳнат бозорининг ёшлар сегментига нисбатан муносиб меҳнатни ўлчаш ва баҳолаш учун услубий воситаларни ишлаб чиқиш каби вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ижтимоий ва меҳнат муносабатлари дейилганда “меҳнат орқали турмуш кечириш сифатини яхшилашга қаратилган



меҳнат фаолияти муносабатлари иштирокчиларининг ижтимоий-ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўзаро алоқалари мажмуи” тушунилади [2].

Муносиб меҳнат концепцияси А. Смитнинг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар” асарида келтирилган қоидалардан бошлаб, К. Маркс ғоялари, немис тарихий мактабидан (В. Рошер, Ф. Лист, В. Зомбарт, М. Вебер ва бошқалар); эски ва “янги” институционализм; иш ҳақининг турли назариялари; Т. Шульц ва Г. Беккернинг инсон капитали назарияси қоидалари; “филтрлаш” назарияси; бошқарув концепциялари (илмий менежмент, “инсон муносабатлари” мактаби, мотивациянинг асосли, процессуал назарияси, вазиятли йўналиш, “партисипатив бошқариш”, вакиллик назарияси; ижтимоий масъуллик, ахлоқий бошқариш, ўзини ўзи ривожлантирувчи ташкилот); тартибга солишнинг француз мактаби (“пост-фордизм” шаклида меҳнат ва капитал ўртасидаги муносабатлар модели); неокорпоративизм назарияси; инсон ресурслари концепциясига қадар тадрижий жиҳатдан ривожланиб келди.

Анкер, Чернишев, Эггер муносиб меҳнат концепциясини барча учун тушунарли тилга ўгириш, муносиб меҳнатни тавсифлашга хизмат қилувчи статистик кўрсаткичларни аниқлаштириш, борасида қатор илмий изланишларни олиб боришган, мазкур олимларнинг фикрича, муносиб меҳнат концепцияси барча мамлакатлар учун ўзаро қийинлаш имконини бериши лозим[3].

Хорижлик мутахассислардан бири Периера муносиб меҳнат концепцияси тўғрисида тўхталар экан, муносиб меҳнатни инсонларнинг ҳаётий меҳнат фаолиятидаги интилишларининг йиғиндиси сифатида тавсифлайди. Унинг фикрича, муносиб меҳнат концепциясини тушуниш мамлакатларнинг ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда фарқланади[4].

Блустейн ўз илмий изланишларида муносиб меҳнат концепциясининг инсон руҳияти билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилади ва муносиб меҳнат шарт-шароитлари таъминланган шароитда ходим ўзини руҳий осойишта сезишини, бу эса ўз навбатида меҳнат самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлайди[5].



Россиялик мутахассис Стожко ўз тадқиқотларида макроиктисодий ва геосиёсий инқироз шароитида янги ижтимоий воқеликнинг шаклланиши олимларга анъанавий капитализм шароитида иш ҳақи меҳнатидан фаровон давлат шароитида муносиб меҳнатга ўтиш билан боғлиқ назарий, услубий, ташкилий ва амалий масалаларни таҳлил қилиш муаммосини туғдиришини таъкидлайди. Бунда муносиб меҳнат концепцияси замонавий меҳнат бозорининг асосини ташкил қилишига алоҳида урғу беради [6].

Академик Қ. Абдурахмонов ўз тадқиқотларида меҳнат самарадорлигини оширишнинг муҳим манбаи сифатида муносиб меҳнат концепциясини алоҳида ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, муносиб меҳнат иш ўрнида ходим учун яратилган барча шарт-шароитларнинг умумийлигини ифода этади ва муносиб меҳнат таъминланган шароитида ходим ўз фаолиятидан қониқиш ҳиссини туяди[7].

Г. Қаландарова меҳнат соҳасида қулай шарт-шароитларни яратишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ижтимоий ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтади, унинг фикрича Ўзбекистонда муносиб меҳнат концепциясини амалга оширишда ҳукумат сиёсатининг устувор йўналишлари бўлиб: аҳоли бандлигига кўмаклашиш, иш ҳақини ошириб бориш, хавфсиз меҳнат шароитлари ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш кабилар ҳисобланади[8].

Юқорида кўриб чиқилган адабиётлар таҳлили рақамли иқтисодиёт шароитида ёшлар бандлигини таъминлаш соҳасида муносиб меҳнат концепцияси етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Тадқиқот методологияси. Меҳнат иқтисодиёти, меҳнат бозорининг концептуал асослари, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари, муносиб меҳнат концепцияси борасида маҳаллий ва хорижий олимларнинг меҳнат бозори соҳасидаги амалий тадқиқотлар натижалари ва ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш борасида ҳукуматлар томонидан амалга оширилувчи меҳнат сиёсати масалалари тадқиқот ишининг услубий асосларини ташкил қилади. Мақолада кўтарилган масалаларни тизимли



баён қилишда диалектик, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, иқтисодий ва статистик таҳлил усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан муносиб меҳнат стандартлари ва тамойилларига асосланган ижтимоий ва меҳнат соҳасининг ривожланиши ва самарали ишлаши билан боғлиқ. Муносиб меҳнатнинг концептуал асослари Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳужжатларида, қабул қилинган давлатлараро шартномаларда, қабул қилинган миллий меҳнат стандартларида ва ҳоказоларда акс этган. Муносиб меҳнат концепцияси илк марта 1999- йилда ўтказилган Халқаро меҳнат конференциясининг 87-сессиясида мазкур ташкилотнинг бош директори Х. Сомавия томонидан тилга олиб ўтилган. Муносиб меҳнат концепцияси ХМТнинг 4 стратегик мақсади: янги иш ўринларини яратиш; меҳнат соҳасида ҳуқуқларнинг умумий кафолатларини таъминлаш; ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳуқуқларни кенгайтириш; ижтимоий муросага эришиш мақсадида ишлаб чиқариш эгалари ва ёлланма ходимларнинг манфаатларини мувозанатга келтиришга имкон берувчи самарали ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш орқали амалга оширилади[9].

ХМТ таърифига кўра, “эркин, адолатли иш ҳақи тўланадиган, хавфсиз, ижтимоий ҳимояланган, инсоннинг қадр-қимматини камситмайдиган, меҳнат фаолиятини бошлашда ҳамма учун тенг имконият яратадиган, бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этишни ва шахснинг ўзини ўзи ривожлантиришини кафолатлайдиган меҳнат” муносиб меҳнат сифатида баҳоланади [10].

Ҳозирда Ўзбекистон ҳукумати томонидан ХМТ томонидан илгари сурилган талабларни бажариш, ишчи-хизматчилар учун муносиб ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг 42-моддасида “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга



ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга...”, 43-моддасида “Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради...” деб эътироф этилади[11].

Шу билан бир қаторда, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 94-моддасида “Ҳар кимга ўзининг ишлаб чиқаришга ва ижодий меҳнатга доир қобилиятларидан фойдаланиш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш бўйича мутлақ ҳуқуқ тегишлидир. Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул кўмаги орқали, шунингдек хусусий бандлик агентликларининг хизматлари воситасида иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга” эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган [12]

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан муносиб меҳнатни таъминлаш соҳасидаги фаолиятни кучайтириш мақсадида мажбурий бўлган “Меҳнат соҳасида туб асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисида”ги декларацияси қабул қилинган[14]. Унда кўрсатилган тамойилларга риоя қилиш, уларни қўллаш ва ҳаётга тадбиқ этишга кўмаклашиш шартлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда ҳам мамлакатда ижтимоий-меҳнат соҳасини ривожлантириш, аҳолининг реал даромадлари ўсишини таъминлаш, меҳнат бозорида вазиятни яхшилаш, иш билан унумли бандлик соҳасини кенгайтириш, аҳоли ижтимоий ҳимояси тизимининг манзиллилигини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини ишлаб чиқди ҳамда ХМТ билан ҳамкорликнинг аниқ устувор йўналишлари, мақсадлари, вазифалари ва натижалар индикаторларини белгилаб олди[15].

ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари нормалари ва талабларининг ташкилотларда ижро этилиши устидан мониторинг ҳамда назорат қилиш ишлари йўлга қўйилган. Хусусан, Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари



бўйича Парламент комиссияси томонидан корхона ва ташкилотларда, тадбиркорлик субъектлари ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар нормаларини қўллаш, мажбурий меҳнатга ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик масалалари бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ХМТнинг 14 та Конвенцияси (шу жумладан, 8 та асосий конвенциянинг барчаси) ратификация қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-конвенцияси ҳамда Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-конвенцияларидаги аксарият нормалар миллий қонунчиликка имплементация қилинган. Маълумот ўрнида айтиш керакки, 81-сонли конвенция бугунга қадар 145 та, 129-сонли конвенция эса 53 та мамлакат томонидан ратификация қилинган.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш “муносиб меҳнат” тушунчаси ва унинг турли жиҳатларининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида яқин позициялар мавжудлигини айтишга имкон беради. Муносиб меҳнат тушунчасини ўрганиш асносида ХМТнинг асосий ҳужжатларида кенг қўлланилувчи “десент ворк” тушунчасига мурожаат қилиш ўринли ҳисобланади. Меҳнат фаолияти орқали турмуш кечириш сифати концепцияси ва унинг ўзига хос қоидалари муҳим аҳамият касб этади. Инсон тараққиёти концепциясида муносиб меҳнат муаммоси “инсон танловини кенгайтириш” учун зарур шарт сифатида қаралади, бу кўп жиҳатдан иш сифати, меҳнат шароитлари, ижтимоий қадриятлар ва шу кабиларга боғлиқ.

Ёлланиб ишлайдиган ишчи касаллик, бахтсиз ҳодиса, кексалик ёки унинг меҳнатига талаб камайиши сабабли меҳнатга лаёқатлилигини йўқотса (вақтинчалик ёки мунтазам равишда), унда моддий таъминланиш муаммоси юзага келади.

Шу сабабли бозор иқтисодиётида ижтимоий ҳимоя жамиятнинг хўжалик фаолияти ва ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисмига айланган. Бу тизимнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари эса меҳнат жараёни ва ходим қобилиятининг



такроп ҳосил қилиниши узлуксизлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим. Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш корхона (ташкilot), тармоқ ва ҳудуд даражасида амалга оширилади.

Шу тариқа, муносиб меҳнат ғояларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш умумий ҳолатда иқтисодиёт фанининг турли соҳалари, меҳнат иқтисодиёти, менежмент назариялари доирасида содир бўлганлигини таъкидлашимиз мумкин. Ижтимоий ва меҳнат муносабатлари ривожланишининг ҳозирги босқичи куйидаги жиҳатлар билан тавсифланади:

биринчидан, концептуал фикрлаш доираси, юқори маълумот даражаси, поливалент, мослашувчан, масъулиятли, ташаббускор, ҳаракатчан, меҳнат жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилган янги турдаги ходимлар, шу билан бир қаторда, “ходим- иш берувчи”, “иш-шахсий ҳаёт” тизимида янгича мувозанатни кўзда тутувчи янгича меҳнат хулқ-атвори ва эҳтиёжлари моделининг пайдо бўлиши;

иккинчидан, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиётдаги глобаллашув жараёнларининг меҳнат бозорларига таъсирининг кучайиши, тенгсизликнинг кучайиши, бандликни таъминлаш борасида хатарларнинг пайдо бўлиши, меҳнат бозори норасмий сегментининг ўсиши, ишсизлик, меҳнат шартномалари муддатининг қисқариши, ностандарт бандликнинг ўсиши, меҳнат муносабатларининг тармоқли тавсифга эга бўлиб бориши ва шу кабилар;

учинчидан, ФТТ таъсири остида “инсон-ишлаб чиқариш” тизимининг ўзгариши, турли даражадаги таълим, билим, кўникмаларга эга бўлган ишчиларни иш билан таъминлаш сифатидаги тенгсизликнинг ошиши. Меҳнат бозорида “дуализм”нинг ортиб бориши, муносиб меҳнат шароитлари ва ҳимояланмаган иш билан таъминланган юқори сифатли иш ўринлари сектори ўртасидаги номуносабликнинг кучайиши;

тўртинчидан, фаолиятнинг янги турларини ривожлантириш, бандликнинг янги шакллари, янги касбий хатарларнинг пайдо бўлиши. Бандлик ва иш ўринларини ташкил этиш шаклларининг тобора диверсификация қилиниши



билан иш ўринлари сифатини ҳисобга олмаган ҳолда ва муносиб даромадни таъминламасдан фақат битта соҳада бандликни кенгайтириш ялпи талабни барқарор тарзда қўллаб-қувватлай олмайди. Ишчилар (бандлик турлари бўйича) ва иш берувчиларнинг (қиймат занжиридаги жойлашуви бўйича) юқори гетерогенлиги шароитида уларнинг ижтимоий бирлиги янада мураккаблашади;

бешинчидан, инновацион тараққиёт йўлига ўтиш зарурати. Муносиб меҳнат учун шароит яратмасдан, ходимларни ўзгарувчан ишлаб чиқариш муҳитига самарали мослаштириш, янги ғояларни яратиш ва амалга ошириш мумкин эмас. Бир қатор мамлакатлар тажрибаси юқори маҳсулдорлик, технологик инновациялар ва муносиб меҳнат мувозанатига эришишда юқори самарага эришганликларини кўрсатади;

олтинчидан, демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар, шу жумладан макроиқтисодий сиёсатнинг умумий ҳолатда меҳнат фаолияти соҳасига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши.

Ушбу ўзгаришлар муносиб меҳнат масаласини нафақат тадқиқот матрицаси, балки меҳнат ва бандлик соҳасидаги глобал ва миллий сиёсат платформаси сифатида ҳам долзарблаштиради.

Муносиб меҳнатнинг муҳим, мазмунли, функционал ва таркибий жиҳатлари бўйича тадқиқот позицияларини батафсил кўриб чиқамиз.

Муносиб меҳнат концепцияси пайдо бўлишидан анча олдин, унинг унсурларининг асослари ХМТ Конвенцияларида ўз аксини топган эди. Шу билан бир қаторда, меҳнат соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда комплекс ёндашув ҳам мавжуд эмас эди. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда янги ёндашув жамият ривожланишининг объектив намунаси сифатида кўриб чиқилувчи бугунги кун муаммолари ва ижтимоий давлат тамойилларига жавоб берадиган муносиб меҳнат концепциясига айланди.

2008 йилда қабул қилинган “Адолатли глобаллашув мақсадлари борасида ижтимоий адолат тўғрисида” декларациясида меҳнат сиёсатида амалга оширилган илмий платформа сифатида муносиб меҳнат концепцияси эътироф этилди.



Муносиб меҳнат концепциясининг зарурий унсури сифатида унинг бошланғич қоидалари, ижтимоий ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги амалий фаолият борасида кўрсатмалар учун хизмат қилувчи тамойиллар эътироф этилади. Тадқиқотларимиз муносиб меҳнат тамойилларини фарқлаш борасида муаллифларнинг турлича қарашлари мавжудлигини кўрсатди.

Биз муносиб меҳнат тамойиллари кўриб чиқилиши лозим бўлган тўртта асосий блокни аниқлаш лозим, деб ҳисоблаймиз: а) самарали бандлик (самарали, юқори маҳсулдор бандлик, ишсизликнинг паст даражаси, мувозанатли меҳнат бозори, меҳнат соҳасида камситмаслик, касбий ўсиш имконияти ва бошқалар); б) меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш; в) хавфсиз меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш; д) ижтимоий мулоқот ва ижтимоий ҳимоя (ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик, кучли касаба уюшмалари ва бошқалар). Бундан ташқари, қуйидаги ҳолатларни ҳам ҳисобга олиш лозим: биринчидан, меҳнатни “муносиб” деб қабул қилишнинг субъектив жиҳатлари; иккинчидан, институционал жиҳатлар, ижтимоий -меҳнат муносабатлари соҳасида қабул қилинган халқаро ва миллий стандартларга мувофиқлик; учинчидан, турли ўлчамлар бўйича муносиб меҳнат моделлари томон интилишни акс эттирувчи динамик жиҳатлар; тўртинчидан, муносиб меҳнат тамойилларининг тузилмавий-функционал тўлдирилиши; бешинчидан, даражали (мега -, макро -, мезо -, микро - ва нано)ва тоифали (меҳнат муносабатлари субъектларининг тоифалари) жиҳатлар.

Тилга олиб ўтилган муносиб меҳнат тамойилларини амалга ошириш ўз навбатида институционал қўллаб-қувватлашни ҳам кўзда тутати.

Тадрижий тараққиёт жараёнида муносиб меҳнат тамойилларининг таркиби ўзгаришсиз қолаётган бўлса-да, шу билан бирга вақт ўтиши билан ҳар бир унсур ичида сифат ўзгаришлари содир бўлади (меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизими мураккаблашмоқда, иш жойлари модернизация қилинмоқда, меҳнат хавфсизлиги яхшиланмоқда, ижтимоий мулоқот шакллари такомиллашмоқда) ва бир қатор тамойилларнинг устуворлиги ўзгармоқда.



Ёшларни иш билан таъминлаш соҳасида муносиб меҳнат тамойилларини амалга ошириш муаммоларини батафсил ўрганиш жамиятнинг бошқа соҳалари билан муносиб меҳнатнинг ўзаро боғлиқ соҳасини кўп қиррали ва кўп ўлчовли таҳлил қилишга имкон берадиган фанлараро ёндашувдан фойдаланишни ўз ичига олади. Меҳнат соҳасини тартибга солиш назарияси, методологияси ва амалиёти жиҳатидан муносиб меҳнат концепциясининг шаклланиш омиллари, тамойиллари ва имкониятлари умумлаштирилган.

Замонавий иқтисодиётнинг воқеликлари (глобаллашув, иқтисодий жараёнларнинг мураккаблиги ва меҳнат муносабатлари тизимида ўйиннинг янги қоидаларининг пайдо бўлиши, ноаниқлик ва турбулентликнинг ўсиши, ташкилотларда меҳнатни бошқариш ва унумдорликка янги ёндашувларнинг кенгайиши ва бошқалар)ни ҳисобга олган ҳолда муносиб меҳнатни асослаш тизимли ёндашувдан фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу ёндашув доирасида муносиб меҳнат тизимли тамойиллар нуқтаи назаридан, ўзаро таъсири синергетик таъсир кўрсатадиган ўзаро боғлиқ унсурлар тўплами сифатида кўриб чиқилади.

Муносиб меҳнат тамойиллари қўйидагилардан иборат:

1. Ижтимоийлашув - ижтимоийлашув тамойили муносиб меҳнатни, шу жумладан ижтимоий эҳтиёжларни тавсифловчи иқтисодий унсурларни кенгрок, ижтимоий мазмун билан бойитиш жараёни, шахсий ва жамият иқтисодий манфаатларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, бутун ижтимоий - меҳнат тизими даражасида “муносиб меҳнат” стандартларини белгилашга қаратилган муносабатларни акс эттиради. Хусусан, бу меҳнатдан қониқиш даражасини ошириш ва иш ҳақи тенглигига эришиш орқали ижтимоий барқарорликнинг ўсиши; мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам бериш; ижтимоий масъулиятли, ташаббускор, мустақил ва содиқ ходимни тарбиялашда намоён бўлади. Ижтимоийлашув тамойили кўпроқ ўзаро боғлиқ бўлиб, бандлик, гендер тенглиги, ижтимоий шериклик ва мулоқот, ижтимоий ҳимоя каби муносиб меҳнат унсурлари орқали амалга оширилади. Айни чоғда, шуни таъкидлаш лозимки, ушбу тамойил меҳнатнинг мазмуни ва табиати, меҳнатга бўлган



ижтимоий-маданий эҳтиёжларни амалга ошириш ва шу кабиларга ҳам таъсир кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, компанияларда корпоратив сиёсатнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимлари ва бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка катта эътибор қаратилмоқда.

2. Барқарорлик - ушбу тамойил, бир томондан, ташкилотда (умуман иқтисодиётда) яратилган муносиб меҳнат шароитларининг ўзаро боғлиқлиги ва ташкилотнинг (самарадорлик, янада ривожланиш имконияти, рақобатбардошлик) ва умумий ҳолатда иқтисодиётнинг барқарорлиги (тўла бандликни таъминлаш, самарали талаб, меҳнат ресурсларини кўпайтириш, унумдорликнинг ўсиши, прогрессив силжишлар, хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларининг мувозанати ва бошқалар), яхлит тарзда аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашни акс эттиради. Шу билан бирга, турли жиҳатларда муносиб меҳнат стандартларига риоя қилиш ишчиларнинг келажак авлодлари учун ўз меҳнат салоҳиятини ривожлантириш ва амалга ошириш имкониятини яратади. Ушбу тамойил бандлик соҳасидаги кафолатлар ва ҳуқуқлар, касбий ўсиш имконияти, муносиб иш ҳақи, ижтимоий таъминот, ижтимоий мулоқотнинг самарадорлиги билан боғлиқ.

3. Ҳимояланганлик - ижтимоий ва меҳнат муносабатларининг “инсон-ишлаб чиқариш” тизимининг асосий функцияларни бажариш қобилиятини сақлаб, ташқи ва ички “таҳдидлар”, “зарбалар”га қарши туриш қобилиятини ўз зиммасига олади. Ушбу тамойил ижтимоий ва институционал хавфсизликни ўз ичига олади (иш ҳақи, иш вақти, меҳнат хавфсизлиги, иш жойларига кириш, манфаатларни ифода этиш ва ифодалаш соҳасидаги қатъий кафолатларнинг ҳақиқий мақсадга мувофиқлиги; камситмаслик).

4. Хавфсизлик - хавфсизлик тамойили ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи, аҳволи учун хавф туғдирмайдиган меҳнат шароитларини яратиш зарурлигини акс эттиради; (меҳнат ва бандлик соҳасида вужудга келувчи ижтимоий хатарлардан ҳимоя қилишнинг турли унсурларини таъминлаш. Меҳнат фақатгина қулай, ва етарлича хавфсиз шароитларда, ташкилотларда қарорларни қабул қилиш



жараёнида иштирок этиш, таълим ва касбий даражани ошириш имкониятларини таъминлаш орқалигина самарали бўлиши мумкин.

5. Меҳнат ва бандликнинг маҳсулдорлиги - маҳсулдорлик тамойили бандлик (самарали ва маҳсулдорбандликни таъминлаш, юқори самарали меҳнат), муносиб иш ҳақи каби унсурлар билан бевосита боғлиқ. Иш ҳақи ва меҳнат самарадорлигининг мувофиқлиги, меҳнат ва капитал ўртасида тақсимотнинг маълум нисбатларининг мавжудлиги, ходимни такрор ишлаб чиқариш учун маблағ билан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш борасида камситишларнинг йўқлиги, адолатлилик, номоддий рағбатлантириш унсурларидан фойдалана олиш нуқтаи назаридан ходимлар учун имкониятларнинг тенглиги ва бошқалар. Юқори меҳнат унумдорлиги ва самарали бандлик қулай шарт-шароитлар, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, ижтимоий ва касбий хавфлар юзага келганда ҳимоя кафолатларини яратиш, бандликка кўмаклашиш соҳасида тегишли сиёсатни амалга ошириш, иш вақтини тартибга солиш, касбий ва таълим даражасини ошириш имкониятларини таъминлаш, қарор қабул қилишда иштирок этиш, ижодий ўзини ўзи рўёбга чиқариш, меҳнат жараёнидан қониқиш орқали таъминланади.

6. Муносиб меҳнат унсурларининг бир-бирини тўлдириши - муносиб меҳнат унсурларининг бир-бирини тўлдириш тамойили муносиб меҳнат институти яхлитлигининг маълум бир хусусиятини ифодалайди ва унинг таркибий ва функционал хусусиятларининг тизимли бирлигини акс эттиради, уларнинг кадриятлар ва жамиятнинг ижтимоий тузилишининг бошқа таркибий қисмлари билан бирликда такрорланишини таъминлайди. Муносиб меҳнат унсурларининг бир-бирини тўлдириш тамойили ушбу унсурларнинг ўзаро боғлиқлиги, уларни тартибга солишга, мувофиқлаштирилган ривожланишига асосланади. Тузилмага нисбатан бир-бирини тўлдириш "муносиб меҳнат" нинг асосий таркибий қисмларининг намоён бўлиш шаклларининг ташкилий ўзаро боғлиқлигини акс эттиради (бандлик тизимига интеграция, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари субъектларининг ўзаро муносабатларининг маданиятли, шерик шаклларини таъминлаш, муносиб иш ҳақи, хавфсиз меҳнат шароитларини



шакллантириш, ижтимоий мулоқот шакллари ва хоказо.). Функционал комплементарлик функцияларни амалга ошириш механизми ва сифатини (муносиб меҳнатнинг ҳар бир унсури томонидан бажарилувчи), ижтимоий ва меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари ва ўзаро боғлиқлигини, "кадр-қиммат" стандартларига эришиш жараёнининг моҳиятини акс эттиради.

7. Ҳамкорлик (кенг маънода ижтимоий шериклик) - ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектларининг ҳамкорлик тўғрисидаги ихтиёрий келишувини акс эттиради, бунда барча субъектлар (ходимлар, иш берувчилар, давлат) муносиб иш ҳақи, самарали бандлик, меҳнат бозори мувозанати, ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, гендер тенглиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик мақсадларига эришиш, қарор қабул қилишда томонларнинг тенг иштирок этиши, шунингдек, меҳнат муносабатлари субъектларининг хатарлар, мажбуриятлар ва натижаларни ўзаро баҳам кўришга тайёр эканликларини намоён қиладилар.

Хулоса ва таклифлар. Ёшлар учун муносиб меҳнат тамойиллари тизимида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошириш чора-тадбирлари доирасида муносиб меҳнатни таъминлашнинг стратегик йўналишларини белгилашда ижтимоий шерикликнинг аҳамиятини ошириш зарур. Хусусан, жамоа шартномалари, ҳудудий ва тармоқ шартномаларида ёш ишчилар учун минимал ижтимоий стандартларни аниқлаш, иш ҳақини ошириш ва индексация қилиш, норасмий бандликни қонунийлаштириш чораларини кўриш талаб этилади.

Юқори технологияли иш ўринларини кўпайтириш жараёни тегишли йўналишлар бўйича сифатли мутахассисларни олдиндан тайёрлашни ўз ичига олади. Шу билан бирга, бундай мутахассисларга талаб катта бўлиши ва юқори маош олиши лозимлиги кўзда тутилади. Бугунги кунда маҳаллий университетлар юқори малакали иш ўринлари учун юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга имкон берадиган янги таълим дастурларини ишлаб чиқиш жараёнларини такомиллаштиришлари зарур.



Мазкур жараёнларга иш берувчиларни жалб қилиш устуворлик касб этиши лозим.

Ёшларни иш билан таъминлаш соҳасида муносиб меҳнат тамойилларини амалга ошириш йўналишларидан бири ёшлар учун касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштириш, меҳнат бозори эҳтиёжлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий тенденциялари, хусусан узлуксиз таълим тизими самарадорлигини оширишга кўпроқ эътибор қаратишни кўзда тутди. Ушбу ёндашув меҳнат бозорининг ёшлар сегментидаги таркибий номуносибликларни юмшатишга ёрдам беради. Шунингдек, иш берувчилар ва касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳимлигини таъкидлаш лозим. Касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг кўникмаларини мустаҳкамлаш корхоналарда амалиёт ўташ ва дуал таълимни ташкил этиш ҳисобланади.

Ёшларнинг муносиб меҳнатини таъминлаш механизми доирасида қуйидаги устувор чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинади: биринчидан, ҳудудларда ўртача иш ҳақи, ишнинг мураккаблиги, ишнинг хавфлилик даражаси ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда муносиб иш ҳақи андозаларига эришиш; иккинчидан, ёшларнинг узоқ муддатли бандлик кафолатларини таъминлаш; учинчидан, корхоналарда ёш ишчиларга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (мослаштириш, таълим, ижтимоий, рағбатлантириш дастурлари), корхоналарни бошқаришда иштирок этишни таъминлаш; тўртинчидан, ёш ишчилар учун иш ўринларининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш; бешинчидан, устоз-шогирд муносабатларини ривожлантириш; олтинчидан, ёшлар учун инновацион иш ўринларини яратиш имконини берувчи коворкинг марказлари, минтақавий инновацион кластерларни яратиш; еттинчидан, ҳудудларда касб-ҳунар таълими муассасалари ва корхоналари ўртасида кадрлар билан таъминлаш, амалиёт, стажировкани ташкиллаштириш борасида келишувларни амалга ошириш; саккизинчидан, иш берувчиларнинг ўқув жараёнида ва касбий стандартлар асосида талаб қилинадиган компетенцияларни шакллантиришда иштирокларини йўлга қўйиш;



тўққизинчидан, минтақавий даражада меҳнат бозорининг ёшлар сегменти борасида бандликка қўмаклашиш дастурларини такомиллаштириш, самарали дастурларни саралаб олиш; ўнинчидан, ёшлар учун минтақавий муносиб меҳнат дастурларини ишлаб чиқиш; ўн биринчидан, ёш ишчилар учун муносиб меҳнат тамойилларини таъминлашда ижтимоий шерикликни ривожлантириш, худудий шартномаларга ёшларни иш билан таъминлаш, иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш кафолатларига йўналтирилган жиҳатларни киритиш ва бошқалар.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Shavkat Oltaev. Herausforderungen und Lösungen beim Bau einer Gemeindeabteilung und Investitionen in Familienunternehmer (Am Beispiel von Navobod NCM des Bezirks Samarkand). Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. 93-97 pp. <http://doi.org/10.5281/zenodo.5513703>
2. Shavkat Oltaev. Wide Opportunities for Innovative Development of Small Business And Private Entrepreneurship in our Country. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 2021. Online: <https://academicjournal.io> 7-13 pp. <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/334>
3. Shavkat Oltaev. Challenges and solutions in constructing a community section and investing in family entrepreneurs (On the example of Navobod NCM of Samarkand district). American Journal of Research. 2021 USA, Michigan 34. 34-37 pp. <https://zenodo.org/record/5514016>
4. Shavkat Oltaev. A strong family is as basic of the prosperity of the neighborhood. American Journal of Research. 2021 USA, Michigan 30. 30-33 pp. <https://zenodo.org/record/5513761>
5. Shavkat Oltaev. The role of the state in the innovative development of Tourism. The American journal of management and economics innovations. (TAJMEI). 2021. USA. <https://doi.org/10.37547/tajmei/Volume03Issue10-05> 17-20 pp.



6. Shavkat Oltaev. Innovative Education Is An Important Factor To Increase The Efficiency Of Economic Education. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research. <https://doi.org/10.37547/tajir/Volume03Issue11-02> 2021. 9-13 pp.
7. Shavkat Oltaev. Innovative Education is an Important Factor in Increasing the Efficiency of Economic Education. Journal of Marketing and Emerging Economics. 54-57 pp. <https://openaccessjournals.eu/index.php/jmee/article/view/940>
8. Shavkat Oltaev. Creation of new jobs in our country – an important factor in providing employment. Modern views and research – 2021. International scientific and practical Conference. London, UK. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5570503> 2021. P: 41-43
9. Shavkat Oltaev. Improving Ways of Attracting Foreign Investments to the National Economy and Using Them. International Journal Miasto Przyszłości, 92–95 pp. 2022. <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/503>
10. Shavkat Oltaev. Issues of attracting foreign investments to the regions of Uzbekistan: problems and solutions. International journal of social science. 96–100 pp. (2022). <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/923>
11. Shavkat Oltaev. Ways of increasing the efficiency of using labor resources (on the example of the Samarkand region). Journal of Hunan University (Natural Sciences) Vol. 49. <https://johuns.net/index.php/abstract/445.html> №10. 2022.
12. Shavkat Oltaev. (2024). Ways of government support for innovative activity in the field of service provision. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 4(01), 231–236. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-04-01-41>
13. Shavkat Oltaev. (2024). Financial sources and organizational and legal basis of social protection of the country's population. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 4(01), 244–250. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-04-01-43>
14. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways of raising our country's development to a new level by improving the quality of higher education. Best Journal



of Innovation in Science, Research and Development, 3(1), 258–263. Retrieved from <https://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/1414>

15. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative Ways of Implementing Digital Transformation in the Educational System. Middle European Scientific Bulletin, 44, 38-43. Retrieved from <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/2048>

16. Shavkat Oltaev. (2023). Ways of Implementing and Developing the Corporate Management System In Our Country. Procedia on Economic Scientific Research, 6, 23–31. Retrieved from <https://procedia.online/index.php/economic/article/view/1031>

© Олтаев Ш.С., 2025